

Ватанни севмак иймондандур!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 23 декабрь, пайшанба

№ 246—247 (21.598).

Сотувда эркин нархда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ ВА УНИНГ МУШТАРИЙЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик тўғи билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Миллий матбуотимизнинг қалдирғочларидан бири — «Ўзбекистон овози» газетаси босиб ўтган йўл мамлакатимизнинг чоракам бир асрлик тарихи билан ҳамоҳандир. Ўзбек матбуоти ва адабиётининг пешқадам вакиллари айтиш мумкин, бу даргоҳда вояга етдилар, улар яратган мумтоз асарлар илк бор шу газета орқали элга таралди.

Газета ўзининг ҳозирги номини тарихий ва қутлуғ кунда — давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йилнинг 1 сентябидан олганлиги ҳам алоҳида маъно касб этади.

Ишончим комилки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган ушбу

газета бундан буён ҳам қудратли ва демократик Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширишда ички ҳамда ташқи сиёсатни, ислохотларнинг моҳиятини тушунтириш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғояларини тарғиб этиш, миллий истиқлол мафқураси руҳида фуқаролар, хусусан, ёшларда Ватанга меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик ва ахлоқий поклик фазилатларини шакллантиришнинг муҳим воситаси бўлиб қолади.

Газета меҳнат жамоасига, унинг муаллифлари, барча муштарийларига бу эзгу ниятларни рўйбга чиқаришда ижодий зафарлар ва омад тилайман.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
ИСЛОМ ҚАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1993 йил, 21 декабрь.



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КЕНГАШ

22 декабрь кун Вазирлар Маҳкамасида республикада иқтисодий ислохотнинг бошичи бўлиши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда вазирлар, идоралар, концернлар ва бошқа ҳужалик бирлашмалари раҳбарлари, фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар қатнашди.

Кенгашда республика Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Президент иқтисодий ислохотларни амалга оширишда сезиларли муваффақиятларга эришилганини таъкидлади. Бироқ хусусийлаштириш халқ ҳўжалигининг айрим соҳаларида кўнгилдагидек бормаётди. Жойларда

баъзи раҳбарлар ўз вазифасини виждонан бажариш ўрнига бу ишга ғов бўлаётди. Бу эса тадбиркор ва ишбилармонларнинг фаолиятини ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда.

Президент енгил саноат, машинасозлик, савдо, қурилиш соҳасида ҳиссадорликни ривожлантириш, шунингдек, хорижий шерикларни ҳамкорликка жалб этиш масалаларига батафсил тўхтади.

Кенгашда вазирлар, концернларнинг раҳбарлари, тадбиркорлар ва фермерлар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНING МЕХНАТДА АЛОҲИДА ЎРНАК КўРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ

МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Журналистика ва матбуот соҳаларидаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун кўндаларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари берилсин

МУҲСИМОВ Миршароф Қодирович — «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни раҳбар гуруҳининг **БОБОЖОНОВ** Тўхтасин Абдулаевич — «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош директорининг ўринбосари

ЗИЕТОВ Юнус Ҳидоевич — «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятининг иш бошқарувчиси

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни раҳбар гуруҳининг ўринбосари

УСАНОВ Олимжон Уроқович — «Ўзбекистон овози» газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири

ҒУЛОМОВА Вазира Абдуллаевна — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 188-алоқа бўлимининг хат ташувчиси.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. ҚАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил, 21 декабрь.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

ФАЙЗИЕВА Умид Раҳматова — «Ўзбекистон овози» газетасининг катта мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЁРИЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШНИНГ:
АБДУРАҲМОНОВ Фахриддин Товфиқович —



ШУ СОНГА ХАБАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарорига биноан «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллиги муносабати билан таҳририятнинг бир гуруҳ ижодий ва техник ходимлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни вакиллари, алоқа соҳаси хизматчилари

Марказий Кенгаш фахрий ёрлиғи ва мукофотлари билан тақдирландилар.

Қутлуғ байрам кунда мукофотланган ҳамкасбларимизни чин дилдан қўтлаймиз!

ТАҲРИРИЯТ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

22 декабрь кун Президент Ислам Каримов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги факултети ва мухтор элчиси Далил Мехтани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг яқинда Ҳиндистонга қилган расмий сафари олдидан уюштирилган қабулда икки мамлакатнинг қадимий дўстлиги ва ҳамкорлик алоқаларини янада

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ УН ТўRTINЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ Тўғрисида

Ун иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ун тўртинчи сессияси 1993 йил 28 декабрда, соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 27 декабрь кун ирта билан соат 9 дан кеч соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

(ЎзА).

БИЗНИ ҚУТЛАЙДИЛАР

Азиз ҳамкасблар!

Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви хайъати ва «Ўзбекистон матбуоти» журналы таҳририяти жамоалари «Ўзбекистон овози» газетасининг шонли 75 йиллик тўғи билан самимий қўтлайди.

«Ўзбекистон овози» газетаси шонли тарихга эга. Чоракам бир асрдир, газета миллий матбуотимиз шодасининг сержило маржон сифатида халқимизнинг чинакам дўсти, йўлдоши ва маслаҳатчиси, ўзининг жанговар сўзи, ўткир нигоҳи билан эса ижодкорлар дорилфунун сифатида эътироф этиб келинаётди. Газета бугунги кунда ўз қутлуғ аъналарига содиқдир. Унинг ижодкорлари, жамоатчи мухбирлари, кўп миң соғли муштарийлари бундай баҳо билан ҳақли равишда фахрланувчилари ўриндир.

Ижодий жамоанинг куч-қайрати, иқтидори, мақорати ва салохияти бугунги кунда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг она-Ватанимиз гуллаб-яшнаши, мустақиллигини мустаҳкамлашдаги Дастурини амалга оширишдаги вазифаларини тарғиб этишга қаратилган. Бу муборак сайё-ҳаракат йўлида ҳамкасбларимизга омад ёр бўлаверсин!

Ҳурматли «Ўзбекистон овози» газетасининг жонкуярлари! Рўзномагиз фаолият кўрсатаётганига 75 йил тўлиши муносабати билан Яқкабоб тумани ҳокимлиги ва Халқ Демократик Партияси туман кенгаши ҳамда туман ақли сизларни самимий қўтлайди.

Рўзномагиз халқимизнинг энг сеvimли маслаҳатчи бўлиб қолганлиги билан фахрланиб мустақил республикамизнинг ёрқин истиқбол йўлида ҳорамай-топмай бажариб келаётган хайрли ишларингизда сизларга уқин зафарлар тилаймиз. Ушбу қутлуғ кунларда барчангизга сўхат-саломатлик, иқдорингизга барак, оилангизда тотувлик ва бахт саодат қамши ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Эътиром ила Яқкабоб тумани ҳокими **Т. ШОНАЗАРОВ.**

Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви хайъати.
«Ўзбекистон матбуоти» журналы таҳририяти.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Отаҳон газета — «Ўзбекистон овози» миллий журналистика тамаи тошини қўйганлар, ривожлантирилганлар ва бойитганлар ичда олдинги сафда турди. Газета чинакава қадрлар ўзичи бўлиб қолганлиги тасодуфий эмас; бу даргоҳдан ташқи журналистлар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, муҳаррирлар, давлат арбобларининг катта авлоди етишиб чинди.

Биз, Сизлар билан узоқ йиллардан буён ёнма-ён ва камрабаста ишлаётган ҳамкасбларимиз мустақил Ўзбекистон ютуқларини тарғиб қилиш, республиканинг халқаро майдонда нуфузини ошириш, меҳнаткаш халқнинг гуллаб-яшанишини тарғиб этиш бўйича сарф қилаётган ижодий куч-қайратларингизни юксак қадрлаймиз.

75 йиллик юбилей нишонланаётган кунда бутун ижодий жамоага, муаллифлар доирасига ва газетасизларга катта муваффақият, мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайми! Ҳорамиз, азиз дўстлар!

«ПРАВДА ВОСТОКА» жамоаси.

Қорақалпоғистон жумҳурияти Тўртўғай район ва шаҳар ҳокимиятлари, Ўзбекистон ХДП район кенгаши тўғичи миллий газета «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий жамоасини қутлуғ байрам билан самимий муборакбод қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси ўлкамизда халқимизнинг деҳқончилиги, чорвачилиги, боддорчилиги, жамки халқ ҳўжалигининг барча соҳаларидаги меҳнатларини, уларнинг қиронли уруш йилларида фронт, фронт ортидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида ўз саҳифаларида мақолалар, мактублар, очерк, лавҳалар чоп этиб Ўзбекистонимизнинг гуллаб-янашида, ривожланишида муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган тўғичи миллий отаҳон газетадир.

Ўзбекистон овозининг ҳеч бир муболагасиз, ўзбек миллий матбуотининг бешиги, ўзбек журналистикасининг чинакам мактаби дейиш мумкин.

«Ўзбекистон овози» газетаси Қорақалпоғистон Жумҳурияти, шу жумладан районимиз меҳнаткашларининг давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида олимборат мардондор ишларини ўз саҳифаларида кенг ёритиб, районимиз, Қорақалпоғистон жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва маданиятини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқдаси, бундан чексиз миннатдоримиз.

Биз таҳририят жамоаси, унинг ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов раис бўлган Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг Ватанимиз гуллаб яшаниш, бардам-бақувват, қудратли, буюк давлатга айланиши, мустақиллигининг мустаҳкамлашини дастурини изчиллик билан амалга оширишда унга ўткир таъсирли нафаси билан ёрдам беришда катта муваффақиятлар тилаймиз.


«Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимларини, матбаачиларини, газетанинг барча муштарийларини 75 йиллик юбилей билан ана бир марта қизғин табриқлаймиз, уларга сўхат-саломатлик, олимжаноб ишларида зафарлар ёр бўлаверсин дейимиз.

Тўртўғай район ва шаҳар ҳокимиятлари,
ХДП район кенгаши.

СЕН ЭЪЗОЗ БУЛДИҢГ ЖАМИЩА, ДОИМО ЭЪЗОЗД БУЛ

БУГУН, қадрдон газетамиз 75 ёшми нишонлапти. Етмиш беш йил! Айтишга осон. Шу йиллар ичида бу даргоҳқа кимлар келмади, кимлар кўз нурини тукмади.

МЕН ҳам бир замонлар «чин дилимдан» «дил сўзи», «чин қалбимдан» қаби ақо-дларнинг таъсирига тутурулган эдим.



ХАЛҚ ИМТИҲОНИ

Зани муштарийлар, мен газетамизнинг бир шогирди қолавра тахрир хайъати аъзоси сифатида ўз хизматларини зиммага оламан.

Савд АХМАД, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



УНУТИЛМАС КУНЛАР

Редакция ходимлари ҳамда босмахона ишчиларининг аҳоли оғир эди. Қоғоз тақил. Станокларни юриштириш учун, кўроғини эриштириш учун электр қуввати етишмасди.

Газетамиз салкам бир аерақ келак қоғозга (қозир бозорларда сотилмаган пакет қоғозга) босиларди. Мухаррир ва навбатчи тонг отишига экин саҳифаларга икки чекитларди.

Бугунги кунда адабиётимизнинг классиклари бўлиб қолган Гафур Гулом, Абдулла Қаҳқор, Шайхзода ва Миртотлар редакцияга кўнор келиб шув ва ҳикоялар ташлаб кетардилар.

Гафур Гуломнинг «Сен етим эмассан», «Согини», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» шеърлари, Абдулла Қаҳқорнинг «Асрор бобо», «Хотинлар» ҳикоялари, Шайхзоданинг «Курраш нечун?» шеърлари ўша пайларда босилган эди.

Олий Бош қўмондоннинг шаҳарларни овоз қилинган тўғри-дағи бўйруқи келса соат учдан ошганда келарди. Яримдан кўпи босилиб бўлган газета тўхтатилиб, босилган юз минглаб нусхаси қайта ишлаш учун қоғоз қўлингачи қўрилди.

Бўйруқни таржима қилиш, уни машинада кўчириш керак. Таржимон Шербек Алиев, машинистка Лутфихон Мухаммадовлар уйга кетишган. Уларни олиб келиш керак. Машинамиз йўқ.

Масъул котибимиз Вали Фаломов Ташкентнинг қимсақиз, пастанам қоронғи кўчаларида жонини ҳафта соғиб уларни пилда босиб келарди. Таржима ҳам таъёр бўлади, машинисткадан ҳам босиб чиқди. Энди уни ливонда терш керак. Эришган кўроғини соғиб, қотиб қолган. Тиним билмаган Вали ака минг ақча кўнор қилиб, «қував» ундирди. Бўйруқ терилиб бўлгунча тонг отиб, кўчалар гажум бўлиб қолади.

Редакция ходимларининг тирчиликлари ҳаминқадар эди. Қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Алломишбек Салоҳ Ҳасан озиб, ўзига ўхшаш қолган. Адабий котиб Мансур Юсуфов совадек сўралиб юрди. Зафар Дивер дарғага чағиниб қолган, зўра ишга келарди. Мухаррир ўринбосари Рихси Саҳибаев эртю-кеч редакцияда бўларди. Саҳифаларни қайта-қайта ўқийверарди. Стенографимиз Аҳмад Шарофимов тонг отгунча телефон олаётган жиммасди. Область муҳбирларининг хабарини кутарди.

Тунда ишлайдиган навбатчи муҳаррирларга, корректор ва навбатчи ходимга, машинисткага берилган ақча донадан чўчарени Вали ога адолат билан тақсимлаб ва кўнорча ўзига етказиб қолганидан бермоғини флэд, индайми саҳифа ўқий-верарди.

Кирк учинчи йил келиб фронтда силмиш бошланди. Қиш лоқлар, аҳоли пунктлари душман асотиридан овоз қилина бошлади. Редакторларнинг тағига йилгидеги одамларнинг юзларига ранг югуриб қолди. Қўнгам келиш билан шаҳарлар овоз қилина бошлади. Реднодон машур директор Левитанининг «Дикқат қилингиз, диққат қилингиз, муҳим хабар эшиттирамиз... Олий Бош қўмондон буйруғи...» деган тентанавор овозини одамларнинг ич-ичига нур югурарди. Улар севинчдан кўз ёшларини тўхтамоқчи эдиларди. Редакцияда туналар бир дақиқа бўлсин чирок ўчмасди. Чинакамитга, фронтчасига иш давом этарди. Ходимларимиз на байрамми, на янги йилни байрамшарди. Холбек Едгоров, Ҳабиб Нўмон, Аҳмад Исмониллар ҳафталик уйларида боролмасдилар. Газета саҳифаларини Бек ака Миртотнинг редакция билан босмахона ўртасида шомдан кўчириб юрарди.

Саҳифаларни қанчалик санчиқовлик билан қўзғатиш, кенчалик қайта-қайта ўқимайлик, барибир, хато ўтиб кетарди. Бир гал «Олий бош қўмондон» «Олий бош қўмондон» бўлиб кетибди. Ана, тўполонни кўриг. Қўнғимиз «Правда Востока»да «Главнокомандующийи» сўздан бир ҳарф тўшиб қопти. Тўполон бўлиб кетди. Икки-уч киши қамалди, редактор Александровский ишдан олинди. «Сталинград», «Ленинград» сўзларини ўн-ўн беш марталиб ўқиймиш. Чунки бир гал «Сталинград» сўздан «р» ҳарфини тўшиб қолди, редакторимизга виговор «олиб» берганмиш.

Бугунги тентанаде уларнинг номларини бирла-бир айтиб ўти-лишни жуда-жуда истардим.

УЛАР ВИЗДА ИШЛАГАНЛАР

ҚАДРДОН ДАРГОҲГА ТАЪЗИМ

Катта тўйнинг ташвиши ҳам, қувончи ҳам катта бўлар экан. Шу бахона ҳар кун ийғилан-май. Ҳар кимдан турли хил мулоҳаза, таклиф чиқиб қолади. Бирон маъқуллайди, бирон қўл силтади.

«Газета-мизда ишлаб кетганлар ҳам бирор нарса ёзиб берса бўларми?» деган таклиф билдирилди. Кўп ўйладик. Улар оз бўлса экан.

Қай бирини берамиз? Охири, айримлари билан суҳбатлашдик. Бор-йўғи битта «Сизга «Ўзбекистон овози» нима берди?» деган саволга жавоб сўрадик, холос...

либ ишлаганман. Э, у маҳаллар галати замонлар эди-да. Ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалар ҳам шу даргоҳда содир бўлган. Биринчи марта Абдулла Қўриш билан шу газетада кўришганмиш. Кейин Абдулла Қаҳқор, Гафур Гулом, Санжар Сиддиқлар билан узрашганмиш. Хуллас, мен учун бу остона жуда қадри.

шунчалик сезилмапти. Ана шундан ташвишданман. Тўй бизнинг тўйимиш. Хизмат бўлса айтaverинлар.

дарё бўлиб оқганига ҳам шодиман. Ҳаёт экан-да, бу ёруғ кунларга етиб келмади улар...

— Мен бу газетада икки марта ишлаганман. Аввал урушга адабий ходим, урушдан кейин бўлим мудири бўлиб. 75 йиллик тарихини сарҳисоб қилаётган газетанинг кенчилиши назар сол-либ кўнглимда сўнгсиз фахр туйғуларини туйялман. Нема-га? Чунки «Ўзбекистон овози» нима деган ёзувчи-шоирларни аввало мана шу матбуотнинг туپроғини ялаб кетган. Шунинг учун ҳам ҳеч бир му-болагасиз айтишни мумкин, менинг Ҳаётимда ҳам «Ўзбекистон овози» нетга ҳаёт ва ижодий мактаб ваазфасини ўтади.

— Бугунги маънавий дунёда нима тўланган бўл-са, ўқувчиларга қайси маъ-нода танилган бўлсам, энг муҳими, ёзувчи сифатида қаламим чарчланганида бу газетанинг катта хиссаси бор. Ундан бир умр қарздорман. Шу қутлуғ даргоҳда ўн йил фельетонлар бўлимга мудири-лик қилдим. Уч юздан орти-қ фельетонларим эълон қи-линди. Тарбия ва ахлоқимиз-даги маълум намунчилик ва қўрилган камчилишида шу ётанларим баҳоли қудрат хизмат қилган бўлса, демек, мен севишли газетам берган нони оқлаган бўламан. Шунингдек, ўзимни бир умр шу жамонатнинг битта аъзоси ва фарзанди деб ҳисоблайман ва наэрга борсам бундан гу-рурланам, мақтанам юрарман ҳам.

— Ушбу газета тахрири-яда олти йилча умрим кет-ган. Газетани жонидан азия биллаганин инсонлар бор эди. Мен уларнинг «ярим ҳарбий ҳолат» даврида кўз ёшлари

— Ўн бир йил шу газетанинг нониин едим. Шунинг 5-6 йили «Кизил Ўзбекистон» тўнда кетди. Аввал адаби-ёт бўлимининг бошқардим. Кейин маъсул котиб ёрдимиш, сўнгра маъсул котиб бў-

Яна битта армоним, жамиятнинг ривожланиш бос-қичида албатта маълум нуқ-сонлар учрайди, бу табиий. Ана шу кўнра кўринар-қўри-нам камчиликларини кўри-саиб беришга фельетон жан-рининг хизмати катта. Ле-кин бугунги кунда унинг шашти сал пасайди. Ўрни

— Ушбу газета тахрири-яда олти йилча умрим кет-ган. Газетани жонидан азия биллаганин инсонлар бор эди. Мен уларнинг «ярим ҳарбий ҳолат» даврида кўз ёшлари

Мен юқорида редакция ходимларининг ўша пайдағи меҳ-натларини фронтчиларга тенглаштирган эдим. Бу гапга иш-наварини. Мухаррир ўринбосари Рихси Саҳибаевнинг фронт-га бормаган бўлса ҳам жинговар ордон билан муқофотла-ниш-бу тағиним таъдиқлашган.

— Ушбу газета тахрири-яда олти йилча умрим кет-ган. Газетани жонидан азия биллаганин инсонлар бор эди. Мен уларнинг «ярим ҳарбий ҳолат» даврида кўз ёшлари

— Ушбу газета тахрири-яда олти йилча умрим кет-ган. Газетани жонидан азия биллаганин инсонлар бор эди. Мен уларнинг «ярим ҳарбий ҳолат» даврида кўз ёшлари

Муштарий сифатида «Ўзбекистон овози» газетасининг босиб ўтган йилни уйласам, унинг одамларни ахшиликка қорлаганини, катта ҳаёт йўлига, дуру гавҳардек поэзия маънавияти боғларига етаклаганини ва тар-бият этганини ҳис қиламан. Мен ҳавас-кор журналист бўлаётган жуда мионат-дорман. Кимёгар бўлганлигим туйғайли ре-спублика дехқонларига ўғитлардан нотўғри,

беҳисоб фойдаланишнинг зарарли оқибат-лари ҳақида дастлаб мақолалар ёзганимда шу газетада олч этилганди. Болалар уйи-даги гўдақлар ҳақидаги, дўстим М. Мусли-мов билан ҳамкорлигида сўғир қолган хо-надонда юртга ош бериш нотўғри экан-лиги ҳусусидаги мақолаларимнинг халқ назарига тушиб, улар ювасидан ақсадо келиши ва уларнинг чоп этилишида шод-лигимизнинг чек йўқ. Азия газетамиз ҳар-бир сонининг чиқиши учун муштарийга етиб бориши учун кечани кундузга улаб меҳнат қилаётган ҳар бир ходия, жур-налистни тарихда қолғувчи шодийна хон бил-лен муборакбод этаман.

Зиқрилл ИСАБОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Уғит-лар институти катта илмий ходим, кимё-фанлари номзоди.

ДОРИЛФУНУНИМ

Маҳалла қоровули Юнус Файзикуҳмедовнинг ўғлимен. Чор-ночор кун кўриб, етти йиллик мактабни битирдим. Кейин Босмахона ходимлари таъйинланди ва ушбу курсда ўқидим. Бор-йўқ «матулотим» аия шундан иборат. Болалигимдан били-ий иқофда ҳама қўйиб, шеврлар аза бошладим. Тез орада ижодкорлар савбга қўйилиб қолдим.

ИЛМ-МАЪРИФАТ НУРИ

Инсон онги илм-маърифат нурларини ҳам тарқатади, ҳам қабул қилиб олади. Шунинг учун жамят мана шу нурлар остидагина олға силқиши мумкин. Бунда шамироқ вазира сини матбуот бажарди. Вақтли матбуот деяр эканмиш, вақт-сиз нима экан? Бу китоблар, мана йиллик китоблар-ди. Мухаммад ал-Ҳоразмий «Утмиш даврларда ўтган халқ-ларнинг олимлари фанини турли тармоқлари ва фалсафанинг турли бўлимлари соҳасида асарлар жамланган тийимас эди-лар. Бу билан улар ўзларидан кейин келаётганларни назарда тутибдилар...» деган эди. Ёзилган китоблар аждоддан авлодга меҳор бўлиб ўтаверган. Шу жиҳатдан матбуот (хаттотлар қў-зғаларни, тошбосма, полиграфик нашрлар) — одамзоднинг катта кашфийтидир. Кейинги асрларда рўбага чиққан вақтли матбуот — журналлар ва газеталарнинг аҳамияти ундан нам эмас. Газеталар кўпроқ шу кунги одамлар учун хизмат қи-лади. Радио ва телевидение эса газета ўрнини боса олмайдн.


«Ўзбекистон овози» етмиш беш йилдан бери муқаддас ва-зифани кўнгилдағидек бажариб келмоқда. Шу даврда ўтган бир неча авлод ўзининг севишли газетаси билан ҳаммаёнас бу-либ яшарди. Олимларимиз мақолалар ёздилар, бошқаларини-ки ўқидилар. Фирқ алмашувчи газетани ҳаммавақт жонланти-риб борди. Илм-фан ҳақида гап кетар экан, Фанлар қўмита-сининг биринчи расми Отажон Ҳошим, Фанлар академияси-нинг президенти Т. Кори-Нисий ўзлари раҳбарлик қилган илмий даргоҳларнинг етакчи олим-фозилари билан бир қаторда э-хе, неча-неча марталиб илм-маърифат нурла-рини тарқатди.

Севимли газетамиз ўз газетхонларини жаҳон илм-маърифат ютуқлари билан таништиришда талай ишлар қилди. Қўйил-ган мақсад ҳар хил шаклда баён этилди. «Илмий мулоқот», «Илмий-техникиш лабораторияларидан», «Фан ва техника ил-гилликлари», «Янги илмий фанларга» шулар жумласидан қил-ди. Тула саҳифалар қадимчи олимларимиз ва элчонамиз олимла-рининг илмий ижодига бағишланди. Буларнинг имтизони то-мон шундаки, мазуқ саҳифаларда олимнинг мутафаккир сифа-тидағи ўзига хос янги фикрлари жой олиши шарт эди. Бу эса газетхонни жуда қизиқтиради.

Ҳозирги шерионда газетанинг вазифаси янада ошмоқда. Аввало, оилада, жамятда, давлатлараро муносабатларда оқилона йўл-йўриқ тутиш учун илмий гоилар билан сўзоридаган мақолаларга газетхон ташна. Ҳар бир одамнинг ўзи бир дун. Бу дунёни билиш билан ташқи ола-мин билиш бир-бири билан чамбарас боғланган. Шахсининг барча фуқароларининг маърифий камолатга етиши миллий муваққиллик мақорумизини яратишига муҳим омиллардан-дир. Бу соҳада газетамизнинг галдағи вазиофлари ниҳоятда зағур.

Файрат РАХМАТУЛЛАЕВ, Ўзбекистон телерадиокорпорацияси чет эл-ларга эшиттиришлар Тошкент радиоси «Ватандош» редакцияси программаси башқарувчиси.





Азим СУЮН
Бош муҳаррир.



Тўхтамурад ТОШЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари.



Шухрат ЖАББОРОВ
Бош муҳаррир ўринбосари.



Аслиддин БОЛИЕВ
Масъул котиб.



Миршароф МУҲСИМОВ
Маффура ишлари ва партия ҳаёти бўлими mudiri



Каримжон РИХСИЕВ
Иқтисодий бўлими mudiri.



Ҳамид ИКРОМОВ
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими mudiri.



Норбобол ШАКАРОВ
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими mudiri.




Ҳайдар НОСИРОВ
Ахборот ва спорт бўлими mudiri.



Абдунаби МАННОПОВ
Адабий котиб.



Умида ФАЙЗИЕВА
Катта мухбир.



Жўра ХОЛҚОСИМОВ
Мухбир.

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР ДАВОМЧИЛАРИ



«Ўзбекистон овози» ўзининг 75 йиллик тарихи давомида қўлаб эзгу ишларни амалга оширди. Ҳар қандай даврда ҳозиржавоблик билан воқеа-ҳодисаларни ёритиб келди. Ҳамisha халқ манфаатига хизмат қилди. Зеро, ҳар қандай тузумда ҳам ўзбек халқига сидқидилдан фойда келтиришга интилдди. Унинг меҳнатсевар, одамшаванда кишиларини таърифлаб келди.

Газетамида ишлаган одамлар ҳам ўз даврига кўра хизмат вазифини аъло бажарди. Бу газетада қўлаб йирик ёзувчилар ва шoirларнинг қалами чарчланди. Ойбек, Рафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Зулфия сингари адибларимизнинг асарлари чоп этилди. Ўз ишнинг билимдон бўлган муҳаррирлар, мухбирлар, мусахҳахлар, оққа кўчирувчилар ҳалол тер тўкишган.

Газета аввалдан бошлаб ўзининг тажрибали журналистларига эга бўлган. Уларнинг кетидан ёшлар ўз маҳоратини ошириб бориб, мохир журналистга айланган. Улар ичидан таниқли ёзувчилар, шoirлар етишиб чиққан. Демак, эзгу ишларнинг давомчилари ҳамisha бир-бирига боғлиқ бўлган. Кекса авлод амалга оширган катта ишларни ўр-

та авлод вакиллари, улардан сўнг эса ёшлар давом эттиришди.

Шу бос редакция жамоасида ҳамisha тажрибали

отахонлар ёшларга устозлик қилишган. Ҳозир ҳам шундай. Сиз суратда кўриб турган «Ўзбекистон овози» таҳририяти жамоаси аъзолари

орасида ёшлар ҳам, кексалар ҳам бор. Ана шу кексаларимиз бизнинг фахримиз. Чунки улар урушнинг оғир кунларида ҳам ўз қаламла-


рини ташлашмаган. Очарчилик йилларида ҳам ўзларни бу ёқда қолди, фақат халқами билан яшаганлар. Албатта ўша даврларда халқ

орасига боришини ўзи бўлмаган. Транспортнинг ҳам пугури йўқ эди. Лекин шунга қарамай, улар элимизда эришилаётган ютуқларни махф этганлар, айрим-лоқайд раҳбарларни ўткир танқид остига олганлар.


Бугунги ёшлар ҳам ана шу кексаларнинг, ўрта авлод вакилларининг эзгу анъаналарини давом эттиришларида кўзлаш билан бирга мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқаро майдонда кенг танилиши, иқтисодий жиҳатдан янада бақувватроқ бўлиши йўлида дадил ҳаракат қилаётганлар.

Ана шу 75 йиллик чўққидан туриб айтиш мумкинки, «Ўзбекистон овози» шу йиллар мобайнида ўз олдига қўйилган вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариб келди. Ҳозир таҳририятда ишлаётган қалами қайралган, тажрибали журналистлар ҳам, ёшлар ҳам шу муборан анъаналарини давом эттиришлари.


Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.
Владимир МОЛГАЧЕВ ва Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.



Норқобил ЖАЛИЛ
Адабиёт, фан ва маданият бўлими mudiri.



Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ
Масъул котиб ўринбосари.



Сақобиддин СИРОЖИДИНОВ
Тошкент вилояти бўйича ўз мухбири.



Алишер РУЗИЕВ
Катта мухбир.

ТАНИШИНГ: ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Маълумки, 1993 йилнинг бошида «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон — Ватаним менинг» деган энг яхши бадний-публицистик ва фотосарлар учун танлов эълон қилинган эди. Ижодий мусобақада жуда қўлаб муаллифлар қатнашишди. Юбилей арафасида танлов ҳайъати ғолибларни аниқлади.

НАСР ЖАНРИ БУЙИЧА:

Биринчи ўрин — «Бу кунлар қадрига етайлик» туркумида эълон қилган асарлари учун ёзувчи Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВга;

Иккинчи ўрин — «Амир Темур давлати» мақоласи учун тарихчи олим Бўриной АҲМЕДОВга, «Ойдин маъноси» баднаси учун шoirа Мукаррама МУРОДОВАга;

Учинчи ўрин — «Тафаккур тиги» воқеий-ҳикояси учун Мамажон МУҲИДДИНОВга, қатагон қўрбонлари ҳақидаги туркум очерклари учун тарихчи олим Ҳамдам СОДИҚқа, «Мангу она» хотира—эс-

сеси учун ёзувчи НАЗАРМАТга берилди.

НАЗМ БУЙИЧА:

Жюри биринчи ўринни бермасликка қарор қилди. Иккинчи ўрин — шеърлар туркуми учун шoir Саъдулла ҲАКИМга, шoir Сирожиддин САИИДга;

Учинчи ўрин — шеърлар туркуми учун Охунжон ҲАКИМга, «Ассалом, умримнинг энг сахий кунин» шеъри учун Ҳусан ЭШМУРОДОВга, «Ўзбекистон» шеъри учун Аъзам ТУХТАСИНга берилди.

ПУБЛИЦИСТИКА БУЙИЧА:

Биринчи ўрин — «Бобомурод Омонов: «Мен элимни уйлаган эдим» очерки учун ёзувчи Хушид ДУСТМУҲАММАДга;

Иккинчи ўрин — «Газета — давр муҳри» очерки учун Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВга, «Ўзбекистон сўзининг собиқ муҳаррирлари, журналистлари ҳақида яратган туркум очерклари учун Ҳайдарали УЗОҚОВга;

Учинчи ўрин — «Ҳаёт ва ижод мактаби» мақоласи учун Зиёд ЕСЕНБОВга, «28 қалдирғочнинг бири», «Садоқат ва жасорат» очерклари учун Исмоил СУЛАЙМОНОВга, «Тақдир табассуми» очерки учун Норбобол ШАКАРОВ ва Иқром АҲМЕТОВга, санъат мавзудаги туркум очерклари учун Ҳусан ЭРМАТОВга;

ФОТОАСАРЛАР БУЙИЧА:

Биринчи ўрин — Абдусаттор ТўРАЕВга; Иккинчи ўрин — Владимир ПАНОВга ва Каром УРОЗОВ (Қорақалпоғистон)га;

Учинчи ўрин — Владимир МОЛГАЧЕВга, Абдувоҳид ТўРАЕВга ва Умарали ҚУШВОҚОВга берилди.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти мазкур танловга ҳомийлик қилган «Рустамбанк» (президенти Р. Усмонов) универсал банкига миннатдорчилик билдиради.




Исмоил СУЛАЙМОНОВ
Мухбир.




Юнус ЗИЕДОВ
Иш бошқарувчи.



Боборбой ЖУМАБОВЕВ
Бош расsom.



Владимир МОЛГАЧЕВ
Фотомухбир.



Равшан ШОДИЕВ
Мухбир.



Ҳусан ЭРМАТОВ
Мухбир.



Абдувоҳид ТўРАЕВ
Фотомухбир.



Соҳиб САЛИМОВ
Мухбир.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азим НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Исом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурад ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), «Осиё бозори» иловаси учун масъул, Шоҳсиёми ШОИСЛОМОВ, Шухрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Маффура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодий бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тикорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Кабуҳона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4-44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қўмқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А-2 форматда босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—687, тир. 22095, топширилди— 22.00.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ,
ГСП, МАТЕУОТЧИЛАР
КҲЧАСИ, 32-УЯ.